БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

# СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИҚА БОШЛАГАН • № 269 (19.645). • 1986 йил 27 ноябрь, пайшанба • Баҳоси 3 тийин.

## ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ БЮРОСИДА

26 ноябрь куни Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Бюросининг навбатдаги мажлиси бўлди. Ўзбекистон ССРни иқтисодий ва социал ривожлантириш 1987 йилги Давлат плани ва республиканинг 1987 йилги Давлат бюджети лойиҳалари кўриб чиқилди.

Мазкур ҳужжатларнинг лойиҳалари КПСС XXVII съезди ва КПСС Марказий Комитети 1986 йил июнь Пленуми йўл-йўриқларига умуман мос келиши қайд этилди. Республика экономикасида вужудга келган ижобий силжишларни мустаҳкамлаш ва ривожлантиришга асосий эътибор қаратилган. 1987 йилги план лойиҳаси ўн иккинчи беш йиллик топшириқларидан узвий равишда келиб чиқади ва асосан бу топшириқларга мос келади. Ялпи ижтимоий маҳсулот, миллий даромад ҳажмлари, саноат товар маҳсулоти ишлаб чиқариш, ялпи қишлоқ хўжалик маҳсулоти етиштириш, социал-маданий объектларни ишга тушириш ва умумий капитал қурилиши ҳажми юзасидан беш йиллик пландагига нисбатан юксакроқ топшириқлар белгиланган. Фан-техника тараққиётини жадаллаштириш, маҳсулот сифатини яхшилаш, асосий фондларни янгилаш, ресурсларни тежаш, таннархни арзонлаштириш соҳасида жиддий силжишларга эришиш кўзда тутилган.

Бюджет даромадлари 1986 йилдагига нисбатан 8,6 процент кўпаяди.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг Бюроси 1987 йилги план ва бюджет лойиҳаларини асосан маъқуллаб, тушган мулоҳаза ва таклифларга асосланиб, уларга тегишли аниқликлар киритишни республика Министрлар Советига топширди. Бу ҳужжатларни Ўзбекистон ССР Олий Советининг бўлажак сессияси муҳокамасига қўйиш мақсадга мувофиқ, деб топилди.

Партия, совет, хўжалик органлари ва жамоат ташкилотларининг беш йиллик иккинчи йили плани сўзсиз бажарилишини таъминлашга, республика илғор меҳнат коллективларининг ташаббусларини қўллаб-қувватлаш ва ҳамма жойда оммалаштиришга қаратилган ташкилотчилик ҳамда оммавий-сиёсий ишларни кенг авж олдириш зарурлиги таъкидланди. Шу мақсадда ишда интизомни мустаҳкамлашга, тартиб ва уюшқоқликни ўрнатишга, фан-техника тараққиётини жадаллаштириш, инвестиция ва структура сиёсатини амалга ошириш, тежамкорлик режимини кучайтириш юзасидан қатъий чоралар кўриш асосида экономикани юксалтиришга эришиш вазифаси қўйилди.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Бюросининг мажлисида бир қанча меҳнат коллективларининг Улуғ Октябрь социалистик революцияси 70 йиллигини муносиб кутиб олиш юзасидан бошлаган ташаббуслари маъқулланди. Мазкур масала юзасидан қабул қилинган қарор матбуотда эълон қилинади.

Ўзбекистон ССР шаҳарларининг энг яхши ободончилиги ва санитария ҳолати учун ўтказилган социалистик мусобақанинг 1986 йил учинчи квартали якунлари кўриб чиқилди. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети ва Ўзбекистон касаба союзлари республика Советининг тегишли қарори эълон қилинади.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Бюросининг мажлисида хўжалик ва маданий қурилишга партиявий раҳбарликни янада яхшилашнинг бошқа баъзи масалалари ҳам кўриб чиқилди ва шулар юзасидан қарорлар қабул қилинди.

## ЖАДАЛЛАШТИРИШ ВА СИФАТ

Давлат қабули деган янги ибора кечагина ишлатила бошлади. Ҳозир эса ишчиларнинг ҳам, раҳбарларнинг ҳам оғзидан шу ибора тушмай қолди. Бунинг сабаби равшан: келгуси йилнинг 1 январидан бошлаб 1.500 та саноат корхонасида энг муҳим халқ хўжалик маҳсулотлари, халқ истеъмоли молларига давлат қабули жорий этилади. Бу ишни СССР Давлат стандартининг янги бўлимлари амалга оширадилар. Бевосита жойларнинг ўзида бу бўлимлар ишлаб чиқарилаётган маҳсулотнинг сифатини идорадан ташқари ўз контролига оладилар.

КПСС XXVII съездида сифат проблемаси энг муҳим сиёсий вазифалар қаторига қўйилди. Партия ҳам бу проблемаларни новаторларча дадил ҳал этмоқда. Жаҳондаги энг яхши ютуқлар даражасига кўтарилиш назарда тутилмоқда. СССР Олий Советининг сессияси кунн-кеча тасдиқлаб берган мамлакат иқтисодий ва социал тараққиётининг келгуси йилга мўлжалланган Давлат плани бунинг яққол намунасидир. Машинасозлик министрликларида жаҳон даражасига мос келадиган асосий маҳсулотнинг улуши 1,6 баравар кўпайтирилади. Келгуси йилларда бу маҳсулотнинг салмоғи кўпая бориб, беш йиллик охиригача унинг улуши асосий номенклатура бўйича 80—95 процентга, янги ишлаб чиқилаётган номенклатура бўйича эса 100 процентга етказилади. Бу —қийин проблема. Аммо совет кишилари уни уддалай оладилар. Бунинг учун эса бирон ишчи, конструктор, технолог, хўжалик ходими, олим шу муҳим ишдан четда қолмаслиги керак. Партия ташкилотлари жойларда бутун ижодий имкониятни сарфлашлари, бу имкониятларни беш йилликка хизмат қилдиришлари лозим.

КПСС Марказий Комитети билан СССР Министрлар Советининг бу йил қабул қилган «Маҳсулот сифатини тубдан яхшилаш тадбирлари» тўғрисидаги қарори ишлаб чиқариш ҳар бир қатнашчисининг муфассал ҳаракат программасидир. Бу қарорда белгиланган иқтисодий, техникавий, социал ва ҳуқуқий чора-тадбирларнинг ўзаро боғлиқ комплексини амалга ошириш мамлакатимиз маҳсулотининг рақобат қобилиятини, совет маркасининг обрў-эътиборини кескин оширади. Пировард маҳсулотнинг даражаси учун ишчидан тортиб министргача ҳамманинг масъулияти кучайтирилади. Сифат экономика ривожини жадаллаштиришнинг энг кучли омилларидан, меҳнат коллективлари хўжалик ҳисобидаги ўзаро муносабатларининг воситаларидан бири бўлиб қолмоқда. Ҳар бир корхонада бу омил ва воситалардан дадил ва билимдонлик билан фойдаланилиши жуда муҳимдир.

Бирлашма ва корхоналарда маҳсулотнинг давлат қабули бўлимларини ташкил этиш —бу йўлдаги энг қатъий қадамдир. Бу бўлимлар техника контроли бўлимларининг иши билан шуғулланмай, айни вақтда брак йўлига ишончли тўсиқ қўядилар. Ҳатто стандартлардан озгина чекинилган тақдирда ҳам тайёр маҳсулот нуқсонини тузатиш учун цехларга қайтарилади. Бу —нақадар қаттиқ чора бўлмасин, аммо ҳозирги шароитда шундай чора кўрилиши зарур. «Сифат масаласини ҳаётнинг ўзи кун тартибига қўйди, —деди М. С. Горбачев КПСС Марказий Комитетида 14 ноябрь куни ўтказилган кенгашда. —Қайта қуришнинг марказига ўткир, ғоят ўткир қилиб қўйди».

Қабул қилишнинг янги шартлари турли тармоқларнинг 19 та корхонасида эксперимент тарзида синаб кўрилди. Мана шунда, ҳали яқиндагина пишиқ-пухталиги билан ажралиб турмаган ва шу сабабли кўпчиликка манзур бўлмаган маҳсулотни ҳамма бажонидил ола бошлади. СССР Давлат стандартининг вакиллари корхоналарда тартиб, технология интизомини оширишга кўмаклашишган, норматив-техника ҳужжатларини қайта кўриб чиқишга, эскирган контрол-ўлчов приборларини аниқроқ ва пухтароқ приборлар билан алмаштиришга муваффақ бўлинган жойларда яхшироқ натижаларга эришилди. Жумладан, Чехов энергетика машинасозлиги заводида, Москва «Фрезер» заводида, Таганрогдаги «Красний котельщик» ишлаб чиқариш бирлашмасида, «Бакэлектробитприбор» бирлашмасида, Смоленск холодильник заводида ва бошқа корхоналарда шундай ижобий силжишлар рўй берди. Бу жойларда маҳсулот сифати ҳақидаги шикоятлар миқдори кескин озайди.

Кашшофларнинг тажрибаси ўрганилиши ва оммалаштирилиши керак. Бу соҳада корхоналарнинг инженерлик бўлимлари, партия комитетлари ташаббус кўрсатишлари лозим. Сусткашликка йўл қўйиб бўлмайди. Ҳозирнинг ўзидаёқ кўпгина йирик бирлашмаларда давлат қабули жорий этилмоқда. Аввал бошданоқ янги контрол бўлимлари меҳнат коллективлари билан чамбарчас амалий алоқа ўрнатишлари, ягона план асосида ишлашлари жуда муҳимдир. Чунки уларнинг ҳаммалари битта вазифани ҳал этадилар. Давлат қабули вакиллари стандартлардан чекиниш ҳолларини шунчаки қайд этмай, балки завод мутахассислари билан биргаликда бунинг асосий сабабини суриштириб аниқлашлари, бу сабабларни очиб ташлашлари, тезроқ тугатишга интилишлари керак.

Қайта қуришнинг нақадар муҳимлиги англаб олинган жойларда, ўзларининг барча ютуқ ва камчиликларини барвақт таҳлил этилган, ҳар бир иш жойида тартиб ўрнатилган, интизом мустаҳкамланган жойларда давлат қабулини жорий қилишда ишкаллик йўқ. Аммо осойишта ҳаётга, истеъмолчилар ҳамма маҳсулотни индамай олиб кетаверадилар, деган ишончга ҳам чек қўйилди. Энди брак ўтмайди. Бинобарин, партия, касаба союз ташкилотлари буни барча ишчиларнинг, инженер-техник ходимларнинг ва раҳбарларнинг онгига сингдиришлари керак. Бу ўз вақтида қўйилган тўғри талаблар эканини одамлар тушуниб етадилар. Улар тегишли хулосаларни чиқариб оладилар, яхшироқ ишлай бошлайдилар.

Айни вақтда бракнинг сабаблари тезроқ тугатилиши учун маҳсулот қайтариб бериладиган ҳар бир ҳолат чуқур таҳлил қилиниши лозим. Шартномавий мажбуриятлар бажарилмай қолишига, меҳнат мароми издан чиқишига йўл қўйиб бўлмайди. КПСС Марказий Комитетидаги кенгашда таъкидлаб ўтилганидек, ишкалликлар учун министрлардан, корхоналарнинг раҳбарларидан ва партия ташкилотларидан жавоб талаб қилинади.

Қайта қуришнинг муваффақияти кўп жиҳатдан Давлат стандарти вакилларининг ўзларига, уларнинг омилкорлигига, одамлар билан ишлаш маҳоратига, талаб қилиш ва ишонтириш қобилиятига боғлиқ. Катта давлат аҳамиятига молик бўлган шу ишнинг дастлабки кунларидан бошлаб расмиятчиликка, бюрократларча қоғозбозликка йўл қўймаслик керак. Шу муносабат билан давлат қабули бўлимлари учун кадрлар танлаш алоҳида актуаллик касб этади. Бу ўринда партия комитетлари ҳал қилувчи роль ўйнайдилар. Янги бўлимлар муваффақиятли ишлаш учун зарур нарсаларнинг ҳаммаси билан таъминланиши ҳақида ҳам дарҳол ғамхўрлик қилиниши лозим. Давлат қабули ходимларини ўринсиз таъналардан, кўрсатилган принципиаллик учун ўч олиш йўлидаги уринишлардан ҳимоя қилиш керак.

Ҳозир баъзи министрликларда давлат қабулига тайёргарлик жуда ёмон бораётганлиги фактини қайд этишга тўғри келади. Бу гап биринчи навбатда СССР Енгил саноат министрлигига тааллуқлидир. Бу тармоқдаги баъзи корхоналарнинг раҳбарлари ҳатто янги контролни жорий этишни... 1988 йилга қолдиришни илтимос қилиб чиқдилар. Ғалати позиция.

Маҳсулотни такомиллаштириш, унинг техникавий даражасини ошириш учун, совет маркасининг шарафи учун кураш ҳозир алоҳида конкретлик ва ўткирлик касб этмоқда. Бу кураш ҳар бир партия ташкилотининг диққат-марказида туриши лозим. Жорий этилаётган янгиликнинг моҳиятини матбуотда, радио телевидение орқали яққол, чуқур тушунтириб бериш, жамоатчилик фикрини актив ва жанговар тарзда шакллантириш керак.

Мамлакат социал-иқтисодий тараққиётини жадаллаштиришга сифат учун курашни кучайтирмай туриб эришиб бўлмайди. Ҳар бир киши —қаерда ишлашидан, қайси лавозимни эгаллашидан қатъи назар, буни билиши керак. Шунчаки билибгина қолмай, балки бу мақсадга эришиш учун имкони бўлган ҳамма ишни қилиши зарур.

(«Правда» газетасининг 26 ноябрдаги бош мақоласи).

## СОВЕТ—ҲИНДИСТОН МУЗОКАРАЛАРИ БОШЛАНДИ

**ДЕҲЛИ,** 25 ноябрь, (ТАСС махсус мухбирлари). бугун ҳукумат биносида чошгоҳ пайтда М. С. Горбачев билан Ражив Ганди ўртасида биринчи яккама-якка суҳбат бўлиб ўтди. Бу суҳбат тўрт соатдан кўпроқ давом этди. Асосан халқаро проблемалар атрофлича муҳокама қилинди.

Суҳбат бошланишидан аввал ҳамкорлик қилаётган совет ва ҳинд кишилари ҳозирлигида Р. Ганди билан М. С. Горбачев нутқ сўзлаб, визитга юқори баҳо бердилар.

М. С. Горбачев иккала буюк давлатнинг дунёда эгаллаб турган мавқеи уларнинг раҳбарлари зиммасига икки томонлама алоқалар соҳасида ҳам, шунингдек кенг халқаро соҳада ҳам жуда катта масъулият юклашини уқтириб ўтди. Иккала раҳбар ўз ўтмишдошларидан қабул қилиб олган бебаҳо мерос иккала мамлакатнинг ҳозирги эҳтиёжларини эътиборга олиб, уларнинг халқлари бахт-саодати йўлида кўпгина масалаларни — сиёсат, экономика, фан-техника соҳасидаги алоқалар, маданият борасидаги масалаларни ҳал этиш учун пухта заминдир.

Совет жамияти ҳам, ҳинд жамияти ҳам йирик ўзгаришлар даврига кирди, бу эса ҳамкорликни кенгайтириш учунгина эмас, шу билан бирга унинг сифатини анча ошириш учун ҳам янги қўшимча имкониятлар очади.

1971 йилги Совет —Ҳиндистон шартномасининг аҳамияти ва бу шартнома ўтмишда иккала мамлакатга яхши хизмат қилганлиги ва келажак учун яхши база бўлиб турганлиги таъкидлаб ўтилди. Визит замон талаблари руҳида бошланган ҳамкорликни мустаҳкамлайди, уни янги поғонага кўтариш имконини беради.

М. С. Горбачев билан Р. Ганди суҳбатлашиб ўтирган пайтнинг ўзида Совет ва Ҳиндистон делегацияларининг музокаралари бўлди. Томонлар Совет — Ҳиндистон муносабатларининг ҳамма жиҳатлари хусусида фикрлашиб олдилар, қилинган ишларни якунладилар, мавжуд янги имкониятларни таҳлил этдилар, визитга дастлабки тайёргарлик даврида Москвада ва Деҳлида ўртага қўйилган масалаларни муҳокама қилишни давом эттирдилар.

Дўстона муҳитда, ҳамжиҳатлик ва бир-бирининг эҳтиёжларини эътиборга олишга тайёрлик вазиятида ўтган фикрлашувларда Э. А. Шеварднадзе, А. Ф. Добрынин, В. М. Каменцев ва С. Ф. Ахромеев, Ҳиндистон ҳукуматининг аъзолари қатнашдилар.

* * *

Ҳиндистон республикасининг Бош министри Ражив Ганди бугун кечқурун Ҳайдаробод саройида КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари М. С. Горбачев шарафига зиёфат берди.

Э. А. Шеварднадзе, А. Ф. Добринин, КПСС Марказий Комитети Бош секретарининг сафарида унга ҳамроҳ бўлиб келган бошқа расмий кишилар, Ҳиндистон томонидан — ҳукумат ва парламент аъзолари, таниқли сиёсат ва жамоат арбоблари ҳозир бўлдилар.

Р. Ганди ва М. С. Горбачев нутқ сўзладилар, уларнинг нутқлари зўр эътибор билан тингланди ва давомли қарсаклар билан кутиб олинди.

Зиёфат самимий, дўстона вазиятда ўтди.

* * *

Зиёфат тугагач, М. С. Горбачев ва унинг рафиқаси шарафига президент саройида ҳинд артистлари концерт қўйиб бердилар.

## М. С. Горбачев Ҳиндистон Президенти билан суҳбатлашди

ДЕҲЛИ, 26 ноябрь. (ТАСС махсус мухбирлари). Бугун бу ерда КПСС Марказий Комитети Бош секретари М. С. Горбачев Ҳиндистон Президенти Заил Сингх билан учрашди.

Президент Совет Иттифоқидан келган меҳмонни табриклаб, ўз мамлакати М. С. Горбачевни Ҳиндистон билан анъанавий дўстлик ришталари орқали мустаҳкам боғланган улуғ давлатнинг буюк раҳбари сифатида кутиб олаётганлигини айтди.

Рейкьявикдаги Совет—Америка учрашувида Сиз, жаноб Горбачев, бутун инсоният учун катта иш қилдингиз: у ердан ер юзидаги ҳамма кишиларга тинчлик номаси келди, деди Президент.

Сизнинг сўзларингизда, деди М. С. Горбачев, мен фақат Ҳиндистоннинг эмас, балки жуда кўп мамлакатлар ва халқларнинг фикрини кўриб турибман: ядро хавфи, экология, қолоқлик ҳамда бутун-бутун қитъаларнинг қолоқлиги ва қашшоқлиги—буларнинг ҳаммаси реаллик бўлиб, улар янгича фикрлашни, янгича ёндашувни талаб қилмоқда, қуролланиш пойгасининг тўхтатилишини талаб қилмоқда.

Совет Иттифоқининг уруш ва тинчлик масалаларидаги сиёсатида Ҳиндистон сиёсати билан ўхшаш жиҳатлар кўп. СССРнинг фикри ва Ҳиндистоннинг фикри —бир миллиард кишининг фикридир. Биз даврнинг янги талабларини ҳисобга олиб, Ҳиндистон билан бундан буён ҳам ҳамкорлик қилишга тайёрмиз. Бу визит Совет—Ҳиндистон муносабатларини ривожлантиришга янги ҳисса қўшишига ишончим комил.

**В. БАЙДАШИН,**
**А. БЕЛИКОВ.**
**Г. ШИШКИН.**



Суратда: суҳбат пайти. (ТАСС—ЎзТАГ телефотоси).

## Чуқур ҳурмат бажо келтирилди

ДЕҲЛИ, 26 ноябрь. (ТАСС махсус мухбирлари). КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари М. С. Горбачев бугун Ҳиндистоннинг буюк кишилари — Махатма Ганди, Жавоҳарлал Неру ва Индира Гандининг номлари билан боғлиқ бўлган жойларга борди.

М. С. Горбачев Ражгхатда — Махатма Ганди мемориалида ҳамда унинг жасади куйдирилган жойда бўлиб, гулчамбар қўйди, гулчамбардаги лентада «Ҳинд халқининг миллий озодлик учун кураши доҳийси М. Гандига» сўзлари ёзилган.

Фахрли зиёратчилар китобига: «Ҳинд халқининг буюк фарзанди, Ҳиндистон озодлиги учун кураш раҳбари Махатма Ганди хотирасига самимий ҳурмат билан» сўзлари ёзиб қолдирилди.

Сўнгра М. С. Горбачев мемориалга туташ паркда анъанавий ҳинд дарахти — чампак (магнолия дарахти ҳинд тилида ана шундай аталади) ўтқазди.

Ж. Неру ва Индира Ганди жасадлари куйдирилган жойга КПСС Марказий Комитети Бош секретари номидан гулчамбарлар қўйилди. Гулчамбарларнинг ленталарига: «Ҳинд халқининг буюк фарзанди Ж. Неруга», «Ҳиндистоннинг атоқли давлат арбоби, Совет Иттифоқининг қалин дўсти И. Гандига» сўзлари ёзилган.

Олий даражадаги совет меҳмони Жавоҳарлал Неру мемориал музейига борди. Жавоҳарлал Нерунн ҳақли равишда Ҳиндистон — Совет дўстлигининг меъмори деб атайдилар. М. С. Горбачев экспозицияларни кўздан кечиргандан кейин фахрли меҳмонлар китобига қуйидаги сўзларни ёзиб қолдирди: «Янги Ҳиндистоннинг бунёдкори, Совет Иттифоқининг содиқ ва самимий дўсти Ж. Неру хотирасига чуқур ҳурмат туйғуси билан».

КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари шу куни Индира Ганди мемориалини зиёрат қилди. У И. Ганди қотиллар ўқидан ҳалок бўлган жойга ўрнатилган, ойнадан ясалган саркофаг олдига гуллар қўйди. И. Ганди хотирасига ҳурмат бажо келтирилиб, бир дақиқа сукут сақланди.

М. С. Горбачев фахрли меҳмонлар китобига: «Совет кишилари Ҳиндистоннинг атоқли раҳбари, ҳинд халқининг бахти учун, бутун дунёда тинчлик учун курашчи, Совет — Ҳиндистон дўстлиги ва ҳамкорлигини ривожлантиришнинг ҳормас-толмас тарафдори — Индира Ганди номини ҳамиша ўз хотирасида сақлайдилар», деган сўзларни ёзиб қолдирди.

Сўнгра М. С. Горбачев шу ерда ҳозир бўлганларга мурожаат қилиб бундай деди: «Бизнинг мамлакатимизда Индира Гандини ҳамиша жуда севар эдилар. Москвада, бошқа шаҳарларда кўчалар ва майдонларга унинг номи берилган. Моҳир совет кишилари яратган ва Индира Ганди портрети туширилган мана шу гилам мемориалдан муносиб жой олсин. Бу билан Совет Иттифоқининг Ҳиндистоннинг буюк қизига муносабати яна бир бор ифодаланди. Кеча биз Бош министр Ражив Ганди билан Совет ва Ҳиндистон раҳбарларининг ҳозирги авлоди олдинги авлодлар эстафетасини — дўстлик эстафетасини қабул қилиб олаётганлиги тўғрисида гаплашдик. Мана шу дўстлик машъаласини кўтариб олға бориш керак. Бунинг учун биз бор кучимизни сарфлайверамиз».

М. С. Горбачевга Э. А. Шеварднадзе, А. Ф. Добринин, бошқа расмий кишилар ҳамроҳ бўлдилар.



**Суратда: И. Ганди мемориалини зиёрат қилиш пайти.** (ТАСС — ЎзТАГ телефотоси).

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ СЕССИЯСИ ОЛДИДАН

## ҚАЙТА ҚУРИШ ТАЛАБЛАРИ АСОСИДА

Ўзбекистон ССР Олий Советининг доимий комиссиялари Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг топшириғини бажариб, республиканн иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг 1987 йилги Давлат планини олдиндан кўриб чиқишни тугалладилар. Бошқа масалалар қаторида халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқаришни кўпайтириш проблемалари комиссия диққат марказида турди.

«Главмашхлопководство» бирлашмасининг бошлиғи Р. Сафаров Ўзбекистон ССР Олий Совети Саноат доимий комиссиясининг мажлисида ҳисобот бераётганида: иттифоқ министрлиги келгуси йилда халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш планини кескин кўпайтирди, деб зорланиб гапирди. Ҳозир иш ҳақи фондининг ҳар сўми ҳисобига 28,7 тийинлик, яъни умуман министрликдаги кўрсаткичдан кўпроқ шундай моллар ишлаб чиқарилмоқда. Келгуси йил учун эса иш ҳақи фондининг ҳар сўми ҳисобига салкам 42 тийинлик халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш планлаштирилган.

— Бундай молларни иш ҳақи фондининг ҳар сўми ҳисобига бир сўмликка етказиш вазифаси қўйилган-ку ахир, —дейишди унга эътироз билдириб депутатлар.— Нега энди сиз топшириқ ошириб белгиланган, деб ҳисоблайсиз? Ёки республиканинг етакчи корхоналари шу қадар зарур моллар ишлаб чиқаришни йўлга қўя олмайдиларми?..

Беш йиллик биринчи йилининг ўн ойи ичида республика саноати маҳсулот реализация қилиш планини ошириб бажарди, пландан ташқари бир неча юз миллион сўмлик маҳсулот реализация қилинди. Ишлаб чиқариш ҳажми 6,3 процент, меҳнат унумдорлиги 4 процент ошди. Шундай бўлса ҳам, резервлар ҳали анча кўп, деб таъкидлади комиссия. Айниқса, халқ учун моллар ишлаб чиқаришда резервлар кўп.

— Сайловчилар биздан «рўзғорда керак бўладиган санитария-техника асбоб-ускуналарини магазинлардан топиш нега қийин?» деб тез-тез сўрайдилар дея мурожаат қилишди депутатлар республика Госплани раисининг биринчи ўринбосари А. Матвеевга. Ахир бу унчалик мураккаб маҳсулот эмас-ку. Наҳотки, Ўзбекистон заводларида уни ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш қийин бўлса?

— Гапингиз тўғри, —деди А. Матвеев. —Афсуски, бундай маҳсулотларга эҳтиёж қондирилмаяпти. Ҳозир биз шу муаммо устида ўйлаяпмиз, уни ҳал қилиш йўлларини излаяпмиз.

Депутатлар кўпгина корхоналарнинг раҳбарлари олдига шундай савол қўйишди: Нега маҳсулот турлари кўпайтирилмаётир, кўплаб талаб қилинаётган мураккаб рўзғор приборлари нега ишлаб чиқарилмаяпти? Айтайлик, бир вақтлар «Ташсельмаш» заводининг раҳбарлари харидорларни «Малютка» кир ювиш машиналари билан таъминлашга ваъда берган эдилар. Аммо улар комплектлаш деталлари етишмаслигини важ қилиб, ўз ваъдаларини бажармадилар. Енг шимариб киришилса бу ишларнинг ҳаммасини қилиш мумкин. Корхоналарни у ёки бу моллар ишлаб чиқариш учун ихтисослаштириш имкониятини кўриб чиқиш ҳам таклиф қилинди.

Комиссия аъзолари кўплаб талаб қилинаётган маҳсулотлар, яъни жаҳондаги намуналардан қолишмайдиган буюмлар ишлаб чиқаришни ташкил этиш ҳақида гап бораётганини таъкидладилар. КПСС Марказий Комитетида яқинда бўлиб ўтган кенгашда масала шу тарзда қўйилди.

Доимий комиссиянинг мажлисида халқ учун моллар етказиб берадиган асосий тармоқ —республика Енгил саноати министрлигининг иши ўрганилди. Бу йил тармоқ калава ип газлама, гилам, ички трикотаж ишлаб чиқаришни кўпайтирди. Бироқ айни вақтда бошқа бир қанча турдаги маҳсулотларни етказиб бериш планлари бажарилмаяпти, шартномалар бузилмоқда, маҳсулотнинг сифати хусусида таъналар кўп. Енгил саноатда меҳнат унумдорлиги паст. Министрлик ўз олдида турган масъул вазифаларни бажариш учун астойдил ишлаши лозим.

Доимий комиссиянинг мажлисида Мебель ва ёғочсозлик, Маҳаллий саноат министрликлари, «Узбитхим», «Узбитпластик» бирлашмалари ва бошқалар олдида турган масалалар ҳам муҳокама қилинди.

Шу беш йилликда республика индустрияси олдида меҳнат маданиятини ва маҳсулот сифатини ошириш юзасидан масъулиятли вазифалар турибди. Келгуси йил планлари депутатлик комиссиясида муҳокама қилиниши шуни яна бир бор кўрсатдики, бу ишда иккинчи даражали, аҳамиятсиз проблемалар йўқ. Иш оқилона, моҳирона, ташаббускорлик билан ташкил этилган, саноатга раҳбарлик даражаси такомиллаштирилган тақдирда план топшириқларининг ҳамма бандлари —ҳам асосий ишлаб чиқариш, ҳам қўшимча ишлаб чиқариш топшириқлари ҳеч сўзсиз бажарилади. КПСС XXVII съездида қабул қилинган жадаллаштириш ва қайта қуриш стратегияси шуни талаб қилади.

(ЎзТАГ).

